



ИНСОН — ЯНГИ РЕНЕССАНС ИЖОДКОРИДИР

Лутфуллаев Абдували

Ўқитувчиси ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

Шерібоев Худойназар

Талаба

Аннотация: Мақолада Ренессанс, биринчи Ренессанс юзага келди ва натижада бутун дунё тан олган Мұхаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимиз ўзларининг илмий-ижодий қашфиётлари билан умумжашон тараққиёти ва илм-фан ривожига бекіең ҳиссаларини қўшиди. Алоҳида таъкидлашимиз керак, “Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улут уламолар етишиб, бутун мусулмон оламининг фахри ва ғурурига айланиши. Миллий идентликни янада ривожлантишишимиз зарурлиги ҳақида

Калит сўзлар: Ренессанс, та’лим-тарбияда, идентиклик.

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, қўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Зоро, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади.

Ш.Мирзиёев

“Ренессанс” луғавий франсузча “қайта туғилиш” деган ма’нони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, сан’атда, та’лим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб аталади.

Илк бор ҳурматли Президентимиз “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”да барча таълим соҳаси ходимларини байрам билан табриклаб, таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш ҳамда илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш борасида истиқболдаги вазифаларни белгилаб бердилар.

Шу ўринда, Президентимиз нутқларида “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойdevорини яратишни ўзимизга





асосий мақсад қилиб белгиладик.” деб таъкидлаганлари бутун таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш учун замин яратди десак муболаға бўлмайди.

Нутқда инсоният ривожланиш тарихида уйғониш даврларига, хусусан Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган давлатимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Бунинг исботи сифатида, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар бир неча минг йиллик бой тарихимиздан далолат беради.

Барчамизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда **тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда бўлган буюк уйғониш** Марказий Осиёда ҳам ўзгача мавжланди.

Бу даврда юртимиизда **биринчи Ренессанс юзага келди** ва натижада бутун дунё тан олган **Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий** сингари ўнлаб буюк алломаларимиз ўзларининг илмий-ижодий кашфиётлари билан умумжаҳон тараққиёти ва илм-фан ривожига бекиёс ҳиссаларини қўшди.


Алоҳида таъкидлашимиз керак, “**Ислом маданиятининг олтин асли**” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимизда **Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий** каби улуғ уламолар етишиб, бутун мусулмон оламининг фахри ва ғурурига айланди.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган давлатда ҳар томонлама илм-фан ривожини қўллаб қувватлаши натижасида иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даври бошланди.

Бу даврда **Мирзо Улуғбек, Али Қушчи** сингари олимлар, **Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Лутфий, Абдураҳмон Жомий** каби шоир ва мутафаккирлар, **Мирхонд, Хондамир, Маҳмуд Музахҳиб, Камолиддин Беҳзод** каби тарихчи, мусаввир, созанди ва мусиқашунослар ўз ижодлари билан катта сахнага чиқишиди.

Ҳар икки Ренессанс даврида давлат раҳбарлари, олиму фузалолар, биринчи навбатда, ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти, иймон-еътиқоди масаласига алоҳида эътибор қаратган. Деярли барча алломалар асарларида таълимни тарбия билан уйғун олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин. Масалан, Абу Али ибн Сино ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва баҳт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги, обод турмуш тўғрисидаги ғояларни илгари сурган. Мутафаккир “Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили равон чиқиб, қулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак”, деб ёзади.

Биз Учинчи Ренессансни барпо этишимиз учун:





-Бугунги инсонларимиз Учинчи Ренессанс миллий ғояга айланиши зарур;

-Учинчи Ренессанс ғоясини ҳаётий ва та'сирчан миллий ғояга айлантириш тамойилларини шаклантириш;

-Миллий идентликни янада ривожлантиришимиз ва сақлаб қолишимиз керак. «Идентиклик – бу ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва муайян яхлит структурага мансублик ҳиссини туйиш, шунингдек, шахснинг айнан ушбу структурага тегишли эканлиги ва унинг таркибида муайян аниқ ижтимоий гуруҳнинг бир қисми эканлигини англашни билдиради. Идентиклик воситасида инсон ўзи мансуб бўлган ижтимоий макондаги социомаданий эҳтиёжларини қондиради ва у орқали жамиятда ўз ўрнини топади». Миллий идентлигимизни сақлаб қолиш учун она тилимизни, тарихимизни, адабиётимиз ва сан'атимизни етарлича ўргатишнинг оптималь йўлларини топмоғимиз лозим. Урфодатларимиз ҳам такомиллаштирилиши ва замонавийлаштирилиши жуда зарур. Ижтимоий онгда, одамларнинг хатти-ҳаракатларида бурилиш юз бериши, янги идеаллар ва қадриятлар қарор топмоғи даркор.

Хулоса. Таълим, маданият, илм-фан соҳаларида қандай қўрсаткичларни, мэрраларни забт этамиз. Улар бўйича мўлжаллар белгиланиши лозим. Ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди. Унга ўз тараққиёти даражаси ва тенденсияларидан келиб чиқиб ахлоқий, э'тиқодий, касбий-профессионал, ҳуқуқий ва бошқа қатор талаблар қўяди. Жамият тараққиётининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган киши турли даврларда ҳар хил аталган. Юсуф Хос Ҳожиб уни “тугал эр”, Форобий “фозил киши”, тасаввуф намояндалари “комил инсон” деб атаганлар. “Ҳар томонлама ривожланган шахс”, “уйғун ривожланган шахс” атамалари ҳам қўлланилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев. “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”да маъruzаси 2020.

2. B. Zaripov “Uchinchi Renessans pojdevori insonparvarlik va ilm-ma'rifat asosiga tiklanmoqda” maqolasi xalq so'zi 2021.

<https://www.gazeta.uz/oz/2021/08/17/renaissance/>

<https://xs.uz/uz/post/uchinchi-renessans-pojdevori-insonparvarlik-va-ilm-marifat-asosiga-tiklanmoqda>

